



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ — УЛКАН БУНЁДКОРЛИК, РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИНСОН ҚАДРИ УЙЎНЛАШГАН МАНЗИЛ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шахрига ташриф буюриб, ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди, йирик қурилиш лойиҳаларига старт берди.



Йўл манзилларни бир-бири билан боғлайди. Дилларни яқинлаштириб, мақсадларни бирлаштиради. Шу боис, халқимиз азалдан йўлни азиз санаб, унга ўзгача ҳурмат руҳида қараган. “Йўл билмасанг, йўлчига бок”, “Йўли кенгининг феъли кенг” каби нақллар ана шундай қарашлар ҳосиласидир.

Феъли кенг инсон мураккаб вазиятларни вазминлик ва сабот ила енгиб ўтгани боис йўли кенгайди. Халқимиз матонати ва меҳнатқашлиги билан синовлардан мардона ўтиб, янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ўйғониш даврига асос солишдек эзгу йўлдан бормоқда.

Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи ана шундай катта рамзий маъно касб этиб, мамлакат иқтисодий қувватини янада оширишга хизмат қиладиган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошланди.

Дастлабки манзилда мамлакатимиз етакчиси Тошкент — Самарқанд пулли муқобил автомобиль йўли қурилишига тамал тоши қўйди. Мазкур лойиҳа юртимиз иқтисодий қудрати ва транспорт-логистика салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнайди. Негаки бу йўл нафақат манзилларни яқинлаштиради, балки кўплаб ҳудудларда иш ўринлари яратиб, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим беради. Президентимиз янги йўлнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, “Бугун бу соҳада том маънода янги давр бошланмоқда, десак тўғри бўлади. Халқимиз учун тараққиёт ва фаровонлик тимсоли бўлиб хизмат қиладиган ушбу йирик лойиҳанинг бошланиши барчамизга муборак бўлсин”, деди.

Ҳа, ушбу муқобил йўл том маънода тараққиётимизнинг рамзидир. Бир вақтлар аждодларимиз юрган Буюк ипак йўли янги Ўзбекистонда замонавий қиёфа касб этиб,

ҳаётимизга янада чароғонлик бағишламоқда. Буни кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш таҳлилларидан ҳам кўриш мумкин. Хусусан, сўнгги йилларда иқтисодиётимиз 3 қарра ўсди, 2030 йилга бориб, унинг ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу, табиийки, йўл-транспорт ва логистика хизматларига талаб ортишини аңглатади. Яна бир муҳим жиҳат. Ўзбекистон ҳудудидан халқаро аҳамиятга эга 4 минг километр транзит йўл ўтган. Кейинги йиллардаги ислохотлар туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилиб, қўшни давлатлар билан алоқалар яхшиланди. Натижада хорижий сармоядорлар оқими кескин кўпайиб, экспорт салоҳияти юксалди. Бу табиий равишда йўлларга эҳтиёжни оширади. Шу боис, бугун ушбу йўлларнинг 30 фоизи тўлиқ қувватда, яна 25 фоизи ортиқча юклама билан ишламоқда.

Келгусида мамлакатимиз Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа қуруқлик йўлагининг асосий бўғинига айланиши кутилмоқда. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Трансафғон” темир йўллари ишга тушиши ана шундай шароитни вужудга келтиради. Покистон портлари орқали Ҳинд океани ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун ҳам янги имкониятлар очилади.

Албатта, бундай йирик лойиҳалар етти бор ўлчаниб, бир марта кесиладиган аниқ ҳисоб-китобларга таяниб бажарилади. Мўлжалдаги ҳисобга кўра, лойиҳа йилига қўшимча 15-20 миллион тонна транзит юкни қабул қилиш имконини беради. Бу 400-600 миллион доллар даромад дегани. Қолаверса, логистика марказлари ва терминаллар учун 3 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилиши ҳамда 50 мингта барқарор иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Қурилишга тамал тоши қўйилган Тошкент — Самарқанд янги автомобиль йўли ушбу стратегик дастурнинг муҳим қисмидир. Қолаверса, 2030 йилгача Андижонни Қўнғирот билан, Термизни Тошкент билан боғловчи 4 минг километр халқаро йўл замон талабига мос равишда транзит йўлакларга айлантирилади.

Янада эътиборлиси, лойиҳа замонавий. Яъни у энг юқори тоифадаги илк замонавий автомагистраль. Қиймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган мазкур олти тасмали йўлнинг умумий узунлиги 282 километрни ташкил этади. У Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги аҳолиси 2 миллиондан зиёд бўлган 13 та туман орқали ўтади. Лойиҳадан 92 та кўприк, 28 та йўл ўтказгич, туннель типидagi 60 та ўтиш жойи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ер ости йўлаклари ва сув ўтказиш иншоотлари ҳам ўрин олган. Йўл қопламаси оғир ва юқори тезликда ҳаракатланадиган транспорт воситалари қатновига чидамли монолит бетондан барпо этилади. Текис ҳудудларда ҳаракат тезлиги соатига 150 километргача бўлиши кўзда тутилган.

Муҳими, юк ташини таннархи 19-24 фоиз пасаяди. Бу, айниқса, тез бузиладиган мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни бозорларга қисқа муддатда ва сифатли етказиш имкониятини кенгайтиради.

Янги йўл Фарғона водийси ва мамлакатимизнинг марказий ҳудудларини

жанубий ҳамда ғарбий вилоятлар билан боғлашда муҳим ўрин тутди. Халқаро транспорт йўлакларини самарадорлигини ошириб, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги транспорт-логистика маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Жаҳон банки таҳлилларида бундай инфратузилма лойиҳаларига киритилган ҳар бир доллар иқтисодиётга 5 баробаргача самара бериши келтирилади. Янги йўл Тошкент шахри, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари яппи ҳудудий маҳсулотининг 3 фоиз ўсишига туртки бериши кутилмоқда. Булар — иқтисодий жиҳатлари.

Энди зарурати ва халқчиллигига тўхталсак. Аввало, айтиш керакки, ҳар қандай бунёдкорлик жараёни одамлар ҳаётига барибир ўзгариш олиб қиради. У йўл ва кўприк бўлса, янада аъло. Чунки йўл борган жойда инфратузилма ҳам, албатта, пайдо бўлади. Янги муқобил йўл бўйида логистика марказлари, омборлар, саноат ва агросаноат корхоналари, савдо-сервис, меҳмонхона ва туризм объектлари барпо этилади. Бу қўшимча имконият, иш ва даромад дегани. Даромаднинг одамлар ҳаётида қанчалик муҳимлигини эса тушунтиришнинг ҳожаги йўқ. Буни Президентимиз ҳам алоҳида таъкидлади.

Ушбу лойиҳа ишга тушганидан сўнг унинг афзаллигини ҳар бир юртошимиз ўз ҳаётида, албатта, ҳис қилади. Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақти ҳозирги 5 соатдан 2,5 соатга қисқаради, — деди давлатимиз раҳбари.

Янги автомагистраль суткасига 60 мингдан 80 минггача транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади. Тирбандликсиз ва бир маромда ҳаракатланиш энергия сарфи, амортизация ва техник харажатларни камайтиради.

Автомагистраль Европа, Туркия, Хитой ва бошқа давлатларнинг илгор тажрибалари асосида лойиҳалаштирилган. Биринчи босқичда йўл хитойлик ҳамкорлар билан ЕРС модели асосида қурилади, кейинчалик уни бошқариш, сақлаш ва эксплуатация қилишнинг замонавий механизмлари жорий этилади. Лойиҳа халқаро сифат, хавфсизлик ва экологик стандартлар асосида амалга оширилиб, 2030 йилда фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари хитойлик ҳамкорлар, маҳаллий ва хорижий мутахассислар, муҳандислар, лойиҳачилар ва қурувчиларга муваффақият тилаб, Ўзбекистон

тарихида илк бор “яшил” ва инновацион йўл барпо этилаётганини алоҳида таъкидлади.


Шундан сўнг Президентимиз Тошкент — Самарқанд янги автомобиль йўли пойдеворига қақсула қўйиб, унинг қурилишини бошлаб берди.

Тошкент вилояти чексиз имкониятлар ҳудуди. Унинг табиати, ҳудудий жойлашуви каби бир қанча омиллар вилоятнинг стратегик аҳамиятини кучайтириб, ривожланиш учун кенг шарт-шароит яратади. Айтиш керакки, шу пайтгача вилоятнинг имкониятлари тўлиқ ишга солинмаган эди. Ҳатто алоҳида маъмурий маркази йўқ эди. Аҳоли эса битта ишни битириш учун Тошкент шахрига ҳам, ўзи яшайдиган жойдан вилоятнинг мутлақо терс томонидаги яна бир идорага ҳам боришга мажбур эди. Негаки давлат идоралари, ташкилотлар ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳар жойга сочилиб кетган эди. Ўтган қисқа даврда Тошкент вилояти бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Нурафшон шахри вилоятнинг маъмурий маркази сифатида янгидан қад ростлади. Бу хусусда ҳали яна тўхталамиз. Демократизм, Тошкент шахридан Нурафшон шахрига элладиган йўлда ҳам қатнов кескин кўпайди. Табиийки, йўл инфратузилмасини яхшилаш масаласи кун тартибига чиққанди.

Ташрифнинг навбатдаги манзилида Президентимиз А-373 ва Тошкент катта ҳалқа йўллари кесилишида барпо этилган янги йўл ўтказгични кўздан кечирди. Мазкур иншоот катта чорраҳадаги тирбандликка барҳам бериб, Тошкент шахри билан Нурафшон ўртасидаги қатнов вақтини 10-15 дақиқага қисқартиради. Ер ости ва усти қатнов қисмлари, йўл ўтказгичнинг ён томонларидаги айланма ҳаракат йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қиймати 240 миллион сўм бўлган мазкур йўл ўтказгич Бектемир ва Ўрта Чирчиқ туманлари туташган ҳудуддаги 14,1 гектар майдонда барпо этилган. Объект таркибиде узунлиги 66 метр, кенглиги 46 метр бўлган кўприк бор. Бундан ташқари, 450 метрли ер ости автомобиль йўли, иккита орта қайрилиш йўлаги қурилган. Пийдалар хавфсиз ва тўхталишсиз ҳаракат қилиш учун тўртта ер ости ўтиш йўлаги ва 950 метрли айлана ҳалқа йўл барпо этилди.

➤ Давоми 2-бетда



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЕТУКЛИК ФАЛСАФАСИ

Янги минг йиллик иштиёқи

Болалик ва ёшлик даврларимни эсласам, ҳаёлимда беихтиёр бир сеҳрли рақам — 2000 йил гавдаланади. Ўшанда бутун дунё янги минг йилликни қарши олаётган бир пайтда мен ўз ҳаётимнинг муҳим палласи — 35 ёшга тўлишни орзиқиб кутган эдим.

Тасаввуримда 35 ёш шунчаки оддий бир рақам эмас, балки инсоний етуқлик, ҳаёт синовларига бардош бера оладиган чидамлили ва муайян тажриба тўплаб, юқори натижаларга эришиладиган камолот марраси эди.

Тақдир менга худди шундай мазмунли ҳаётни туҳфа этди.

35 ёшимни қаршилаганимда, мен нафақат катта бир оиланинг бошлиғи, балки

ўзим танлаган касб ва соҳада ўн йилдан ортиқ вақт меҳнат қилган, келажакдаги натижалар учун мустаҳкам пойдевор ярата олган мутахассис сифатида шаклландим деб ҳисоблайман.

Бу давр менга масъулиятни ҳис қилишни ва ҳар бир қадамни чуқур ўйлаб босишни ўргатди.

➤ Давоми 3-бетда

БУГУНГИ ИМКОНИЯТ — ЭРТАНГИ ҚУДРАТ МАНБАИ

Дунёда рақобат тубдан ўзгармоқда. Бугун мамлакатларнинг устунлиги фақат ишлаб чиқариш ҳажми ёки молиявий барқарорлик билан эмас, мавжуд салоҳиятни тўғри йўналтириш, ўзгаришларга мослашиш ва яратилган имкониятларни юқори натижага айлантира олиш қобилияти билан белгиланмоқда.

Иқтисодиётда ҳам асосий масала фақат ўсиш суръатларини қайд этиш билан чекланмайди. Муҳими, эришилган натижалар қанчалик янги имкониятлар яратаётгани, инсонлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётгани ва мамлакатнинг келгуси тараққиёти учун қай даражада мустаҳкам асос бўлаётганидир. Чунки ҳар бир иқтисодий ўсиш замирида янги иш ўринлари, фаол тадбиркорлик, аҳоли даромадлари ва жамиятнинг эртанги кунга бўлган ишончи мужассам.



Муносабат

Мамлакатимиз иқтисодиёти йил бошидан буён 8,5 фоиз ўсди. Ушбу натижа 21 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунига қадар амалга оширилладиган устувор вазифалар муҳофазасига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланди. Бунда саноат, хизматлар, қурилиш ва қишлоқ хўжалигидаги ўсиш суръатлари, инвестициялар ҳажмининг ортиши ҳамда экспорт кўрсаткичларининг яхшиланиши иқтисодиётдаги фаол жараёнларни ифода этмоқда. Ушбу натижалар мамлакатда яратилаётган имкониятлар ва амалга оширилаётган ишларнинг самарасини кўрсатади.

Эришилган ўсишни янги сифат даражасига олиб чиқиш муҳим масалалар. Аҳоли сони 40 миллион бўлган меҳнат бозорига янги талаблар шаклланаётган шароитда юқори иқтисодий суръатларни сақлаш, уларни ҳар бир инсон ҳаётида сезиладиган натижага етказиш устувор вазифага айланмоқда. Йиғилишда ҳудудлар ва тармоқлардаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, янги ўсиш нуқталарини аниқлаш, бошқарув самарадорлигини ошириш орқали барқарор тараққиётни таъминлаш вазифалари белгилаб берилди.

➤ Давоми 4-бетда

Бошланиши 1-бетда

Худудда аҳоли яшаш пунктлари, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари бор. Шу боис, 9,5 километр пиеда ва велойўлақлар, жамоат транспорти учун 8 та бекат ҳамда 240 та ташқи ёритиш чироғи, қолаверса, 6 километр йўл тўсиқлари барпо этилди.

Янги объект қурилиши бошланганидаёқ аҳоли қувончини изҳор қила бошлаган эди. Негаки йўл ўтказгич сабаб йўлнинг кунлик ўтказувчанлик қуввати бир неча баробар ошиб, 130 мингта автотransпорт воситасига етади. Равон йўл пойтахт ва Тошкент вилояти ўртасидаги транспорт қатновини янада яхшилайдди. Йўл қанча осон бўлса, йўловчи кайфияти юқори, ишлар унуми шунча самарали бўлади. Айни омиллар ижтимоий бирдамлик, иқтисодий тараққиёт дегани.

Президентимизга лойиҳанинг техник ечимлари, транспорт оқимини бошқариш имкониятлари ҳамда келгусида Тошкент — Нурафшон йўналишида тезорар автобуслар тизимини (BRT) йўлга қўйиш бўйича режалар ҳақида ахборот берилди.

Янги Ўзбекистонда юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналиши инсон қадри ва манфаати ҳар нарсадан устун эканидир. Кейинги йилларда ушбу тамойил асосида қилинаётган ишлар натижаси барча жабҳа, ҳар бир маҳалла, халқимиз ҳаётида аксини топмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув канали бўйида кечаётган жараён фикримиз тасдиғи. Ташриф асосида Президентимиз бу ерда бажарилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Канал соҳили катта имконият майдони. Худуддаги айни жараён эса ана шу имкониятни юзга чиқаришга хизмат қилади. Чунки бу ишлар туфайли, аввало, худуд аҳли дам олиши учун қулайлик яратилади. Янги иқтисодий йўналишлар юзга чиқади. Қорасув канали соҳили ана шундай масканлардан бирига айланоқда.

Жараёнда ўтган йили киришилган эди. 32 миллиард сўмдан зиёд маблаг ҳисобидан



соҳил бўйининг 9 километр қисми ободонлаштирилади. Лойиҳа икки босқичда амалга оширилмоқда.

Дастлаб Тинчлик ва Қорасув маҳаллалари оралиғидаги 1,6 километр соҳил қисми ободонлаштирилди. Пиедалар учун замонавий йўлақлар, фаввора, воркаут майдончалар, аквапарк ҳамда кўприк ости туннели барпо этилди. Манзарали дарахтлар, қулай ўриндиқлар, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли учун айни муддао бўлди.

Кейинги босқичда каналнинг Қорасув, Роватка ва Файзобод маҳаллаларидан ўтувчи қисмида кўнглиочар, дам олиш ва гастрономик қўчалар ташкил этилади. Янги савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари барпо этилиши ҳисобига 150 та янги иш ўрни яратилади.

“Инсон қадри учун” тамойилнинг энг юқори чўққиси, шубҳасиз, ижтимоий ҳимоянинг жадаллашувидир. Юртимизда кейинги йилларда шу йўналишдаги ишлар янги босқичга кирди. Ижтимоий ҳимоянинг янги шакллари, иш услублари яратилди.

Давлатимиз раҳбари танишган яна бир муҳим лойиҳа — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Нурафшон шаҳрида янги барпо этилган Ижтимоий ҳимоя мажмуаси бунга яққол мисол бўла олади. Тошкент вилоятидаги илк бу мажмуа ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларга комплекс хизматларни бир жойда кўрсатади. Бу ерда 5 та муассаса — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси, ҳудудий Ижтимоий инспекция, Нурафшон шаҳри “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ҳамда ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази жой олган. Муассасада 100 га яқин ходим фаолият юратади.

Шунингдек, ҳудудий ижтимоий хизматлар марказида фуқароларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда нодавлат сектор имкониятларини кенг жалб этиш орқали 5 турдаги ижтимоий хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган. Натижада уйда

Давлатимиз раҳбари Нурафшонни илм-фан, юксак технологиялар ва ёшлар шахрига айлантириш асосий мақсад эканини таъкидлади. Бу ерда минг ўринли маданият саройи, Бадий академиянинг вилоят бўлими, сунъий интеллект маркази, Ахборот-ресурс кутубхонаси ва касблар марказини ўз ичига олган замонавий ёшлар шаҳарчаси бунёд этилмоқда.



ўтириб қолган ва ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтожлар, ногиронлиги бўлган болалар жамиятга интеграция қилинади.

Мамлакатимиз етакчиси шу ернинг ўзида ногиронлиги бўлган шахсларни янги стандарт ва сунъий интеллект ёрдамида ташхислаш, Тошкент вилояти тажрибаси асосида маҳалладаги ижтимоий ходимларнинг янгича ишлаш механизмлари тақдими билан танишиди.

Президентимиз мажмуада яратилган шaroитларни кўздан кечириб, аҳолининг муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, жамиятга муносиб мослашиши ҳамда ижобий руҳият билан яшашига кўмаклашиш сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент вилоятидаги “Инсон” волонтерлар жамоаси билан суҳбатлашди. Уларнинг лойиҳалари билан танишиди. Президентимиз мажмуа фаолиятини маъқуллаб, мутасаддиларга республика бўйлаб шунга ўхшаш ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари сонини уч баробар ошириш топшириғини берди.

киберҳуқуқ, рақамли криминалистика ҳамда киберитисодиёт соҳалари учун мутахассислар таълим олмақда. Бунинг учун барча шароит яратилган. Жумладан, университетда 1585 ўринли ўқув босими, 805 ўринли талабалар турар жойи, замонавий спорт мажмуалари, ошхона ва ахборот-ресурс маркази бор. Экологик барқарорлик тамойиллари асосида шакллантирилган олийгоҳга “яшил кампус” мақоми берилган.

Бу каби замонавий шарт-шaroитлар қарийб минг талабани халқаро талабаларга жавоб берадиган мутахассис қилиб тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир олийгоҳда 2 та факультет ва 4 та кафедра фаолият юритмоқда. Уларда 8 та бакалаврият ва 2 та магистратура йўналиши бор.

Мазкур таълим масканининг академик ютуқлари аллақачон кўзга ташлана бошлаган. Жумладан, университет жамоаси халқаро киберхавфсизлик мусобақалари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги хакатонларда юқори натижаларни қўлга киритиб келяпти.

Университетга туташ худудда Келажақ технологиялари маркази бунёд этилади. Давлатимиз раҳбари ушбу марказ қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида ҳам иштирок этди.

Ҳозирги дунёда рақобат йиллар ва ойлار билан эмас, балки дақиқа ва сониялар билан ўлчанапти. Бундай даврда рақамлаштиришни ортага сурган, сунъий интеллектни ўзлаштирмаган ва инновацияларга сармоа киритмаган давлатлар глобал тараққиётга етишиш юра олмайдди.

— Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини рақамлаштириш билан жиддий шугулланмасдан туриб, ривожланиш мумкин эмас.



Бусиз келажагимиз йўқлигини барчамиз теран англашимиз керак, — деди Президентимиз.

Яна бир қувонарли факт. Жорий йилда венчур инвестициялар ҳажми 5 баробар кўпайиб, ўсиш суръати бўйича мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўринга кўтарилиди. Янги Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги шу каби натижалари халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.



Масалан, миллий стартап экотизими қарийб 4,5 миллиард долларга етди. Халқаро бозорда жуда мураккаб глобал иқтисодий жараён кечаётганига қарамай, юртимизда инновацион ғояларни рағбатлантириш мақсадида мукофот жамғармаси 5 миллион доллар бўлган Президент стартап танловига старт берилди.

Ўзбекистон Сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик бўйича жаҳон ташкилоти тасвирчиларидан бири бўлиб, бу борадаги глобал жараёнларни шакллантиришда иштирок этадиган давлатлар сафидан жой олди.

Марказ қурилишига қарийб 500 миллион доллар инвестиция жалб қилинади. У таълим, илмий тадқиқот, технологик синов ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштирадиган ягона инновацион экотизим бўлади. Бунинг учун эса марказга 36 гектар ер ажратилган.

Юқорида айтганимиздек, “Cyber University”да киберхавфсизлик ҳамда ахборот ҳимояси соҳаларида қарийб минг нафар мутахассис тайёрланмоқда. Айни сабаб туфайли киберхавфсизлик, сунъий интеллект, булутли технологиялар ва криптография йўналишларида 6 та замонавий лабораторияни ўз ичига оладиган марказни ташкил этиш учун Нурафшон шаҳри танлаб олинган. Шу тариқа энди университет атрофида бутун мамлакат учун намуна бўладиган яхлит инновацион кластер шакллантирилади.

Бу ерда учувчисиз дрон қурилмалари ва робототехника воситаларини синовдан ўтказиш учун махсус полигон очилади. Сунъий интеллект дата маркази ва муҳандислик кластери, химояланган компьютер ҳамда маълумот узатиш қурилмалари, юқори технологик токенлар ишлаб чиқариш маркази қурилади.

Бундай йирик лойиҳалар учун, албатта, барқарор электр энергияси зарур. Ушбу эҳтиёжни қоплаш учун 5 мегаваттлик энергетика қувватлари барпо этилади. Ана шу қувват маҳсули бўлган маҳаллий технологияларни тижоратлаштириш ва миллий маҳсулотларни халқаро бозорларга олиб чиқиш

“Нур сочувчи”, “зиё тарқатувчи” каби эзгу маъноларни англатувчи Нурафшон шаҳри том маънода янги Ўзбекистон тимсоли сифатида намоён бўлмоқда. Гўзал янги кент замонавий қиёфаси, тараққиёти, маданияти, бошқаруви ва инсон қадрига муносабати билан ҳам бошқаларга намуна бўлиши шубҳасиз.

платформаси яратилади. Бунга Осиё тарққиёт банки кўмак беради.

Келажақ технологиялари марказида амалга ошириладиган илмий ишланмалар, технологик ечимлар ва кашфиётлар мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Марказга етакчи глобал компаниялар, университетлар ва олимлар жалб қилинади. Шунингдек, талабалар ва ходимлар учун замонавий ижтимоий, маданий ва маиший инфратузилма яратиш кўзда тутилган.

Марказ Тошкент вилоятида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва ҳудуднинг инновацион салоҳиятини юксалтиришга катта туртки беради. Муҳими, мазкур инновацион экотизимда 5 мингдан зиёд юқори малакали иш ўрни очилади.

Бу йил Тошкент вилоятининг рақамли хизматлар экспорти илк бор 50 миллион долларга етиши кутилмоқда. Мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш учун Нурафшон ва Чирчиқ шаҳарларида замонавий IT парк бинолари қурилишга старт берилди.

— Узоқни қўзлаб, чин дилдан амалга ошираётган ортага қайтмас ислохотларимиз янги Ўзбекистон бунёдкори бўлган ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор этилмоқда.

бўлади. “Рақамли Ўзбекистон” келгуси авлодларга биздан муносиб мерос бўлиб қолади, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур масканни Тошкент вилоятининг сунъий интеллект ва рақамлаштириш марказига, ёшларнинг билим, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқарадиган замонавий мажмуага айлантириш асосий мақсад экани таъкидланди.

Маросимда Хитой, Россия ва Германия компаниялари иштирокида амалга ошириладиган, умумий қиймати 465 миллион доллар бўлган 9 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Ушбу янги қувватлар ишга тушгач, яна 5 мингта иш ўрни яратилади. Аҳолининг замонавий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Мамлакатимиз етакчиси хорижий ҳамкорлар, мутахассислар ва қурувчиларга муваффақият тилади.

Шундан сўнг Президентимиз Нурафшон шаҳридаги “Нурафшон махсус техника” корхонасига ташриф буюрди.

Корхонада бутунги кунда “KRANTAS” бренди остида махсус турдаги автомобиллар, ҳарбий техника ва турли механизмлар ишлаб чиқарилмоқда. Унда 300 дан ортиқ юқори малакали мутахассис доимий иш билан таъминланган. Умумий қиймати 50 миллион долларлик мазкур лойиҳа автомобиль соҳаси ва машинасозлик тармоқларидаги ислохотларнинг яна бир тасдиғидир.

Умумий майдони 25,8 гектар бўлган корхонада ишлаб чиқариш ускуна ва технологиялари АҚШ, Германия, Италия, Швеция, Россия, Хитой ҳамда Туркиядан келтирилган. Унда ўтган даврда 2,5 минг тоннага яқин металл конструкция, 300 дан зиёд автомобиль устқурмаси, 200 дан ортиқ шасси ва 20 дан зиёд трактор ишлаб чиқарилди. Ўтган йилда 275 миллиард сўмлик техника ва механизмлар буюртмачиларга етказиб берилган. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги 10 гектар ер майдонида янги завод қуриш режалаштирилган. Бу йилига 15-18 миллион долларлик маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконини беради.



Давлатимиз раҳбари мажмуадаги ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотлар ва замонавий технологик ечимларни кўздан кечирди. Соҳа мутасаддилари ва муҳандислар билан мулоқотда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Нурафшон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғида Тошкент вилояти жамоатчилиги билан ўтказилган тантанали учрашув ушбу ташрифнинг энг ҳаяжонли, унутилмас тадбирларидан бири бўлди. Зеро, барча соҳа ва тармоқлар ривож, мавжуд салоҳияти бўйича Тошкент вилояти республикамизда етакчилардан бири бўлгани ҳолда, юқорида қайд этганимиздек, ўзининг маъмурий марказига эга эмас эди. Шу маънода, ушбу тантанали учрашув янги маъмурий марказ — Нурафшон шаҳри барпо этилишининг ўзига хос рамзий сарҳисоби сифатида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси, аввало, тадбир иштирокчилари — нурунийлар, ёшлар ва фаолларни самимий қутлаб, вилоят аҳли билан яна бир бор дийдор кўришди турганидан мамнуулигини билдирди.

Нурафшон шаҳри жуда қисқа вақт ичида янгидан қад ростлади. Бунёдкорлик ишлари кун сайин жадаллашаётган янги шаҳарда бутунги кунгача замонавий маъмурий, ижтимоий ва маданий инфратузилма шакллантирилди. “Янги Ўзбекистон” боғи, “Ватанпарвар” боғи, матонатли ўзбек аёли Зулфия Зокировага бағишланган ёдгорлик мажмуаси, хиёбонлар, сунъий қўл, амфитеатр ва фавворалар, кенг яшил ҳудудлар, велосипед ҳамда пиедалар йўлақлари барпо этилди.

— Бу ердаги ҳар бир корхона, ҳар бир қўча ва бино, майдон ва хиёбон вилоятнинг сергайрат, меҳнаткаш ва фидойи аҳли билан биргаликдаги ишларимиз натижасидир, — деди Президентимиз.

“Нур сочувчи”, “зиё тарқатувчи” каби эзгу маъноларни англатувчи Нурафшон шаҳри том маънода янги Ўзбекистон тимсоли сифатида намоён бўлмоқда. Гўзал янги

кент замонавий қиёфаси, тараққиёти, маданияти, бошқаруви ва инсон қадрига муносабати билан ҳам бошқаларга намуна бўлиши шубҳасиз.

Зеро, Нурафшон мамлакатимизда “ақлли шаҳар” модели асосида барпо этилаётган биринчи шаҳар сифатида ҳам тарихга кирмоқда. Бу ерда рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт, энергия тежамкор технологиялар, маданий масканлар ва экологик инфратузилма ягона тизимга бирлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Нурафшонни илм-фан, юксак технологиялар ва ёшлар шахрига айлантириш асосий мақсад эканини таъкидлади. Бу ерда минг ўринли маданият саройи, Бадий академиянинг вилоят бўлими, сунъий интеллект маркази, Ахборот-ресурс кутубхонаси ва касблар марказини ўз ичига олган замонавий ёшлар шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Шу куни 35 гектар майдонда барпо этиладиган Келажақ технологиялари маркази қурилишига ҳам тамал тоши қўйилди. Мазкур мажмуа бутун мамлакатга хизмат қиладиган сунъий интеллект ва рақамлаштириш марказига айланиб, унда илмий-тадқиқот муассасалари ва юқори технологик лабораториялар ташкил этилади.

“Нурафшон бизнес сити” лойиҳаси доирасида маъмурий, бизнес, таълим, тиббиёт, маданият ва турар жой ҳудудлари ўзаро уйғун ҳолда ривожлантирилмоқда. Жумладан, 700 ўринли кўп тармоқли тиббиёт марказида телетиббиёт ва робототехника ёрдамида 60 дан зиёд юқори технологик тиббий хизмат кўрсатилиши режалаштирилган.

Шарқ бозори, хунарамдлик қўчалари, миллий павилонлар, амфитеатр ва замонавий дам олиш масканларини қамраб олган туристик-маданий мажмуа ҳам Нурафшоннинг ташриф қорғозига айланади.

Тадбирда Тошкент вилояти мамлакатимиз иқтисодиётининг йирик таянч ҳудудларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Республика ялли ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи шу вилоят ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги беш йилда худудга 16 миллиард

доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, чет эл капитални иштирокидаги корхоналар сони қарийб 3 мингтага, экспорт ҳажми эса 3 миллиард долларга яқинлашди.

Президентимиз вилоятни Тошкент шаҳри билан ягона иқтисодий ва транспорт макони сифатида ривожлантиришга доир янги лойиҳалар ҳақида ҳам сўз юритди. Пойтахт билан боғловчи жамоат транспорти йўналишлари кенгайтирилиб, Тошкент — Нурафшон йўналишида замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилиши белгиланди.

— Сиз, азиз Тошкент вилояти фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, зиёлилар, нурунийлар ва сергайрат ёшлар билан биргаликда бу заминни янада яшнатадиган, мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам ва қудратли таянч-қўллашчилари.

Мен бунга қатъий ишонаман ва Президент, давлат раҳбари сифатида бутун халқимиз қатори Тошкент вилояти аҳолисининг тинч, фаровон, бахтли ҳаёт кечириши учун бундан буён барча бор куч ва имкониятини сафдорбар етаман, — деди мамлакатимиз етакчиси сўзининг якунида.

Тадбир доирасида намоён бўлган концерт дастури иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ушбу ташрифи асосида Тошкент вилояти мисолида юртимиз тараққиёти учун янги имкониятлар, нурафшон йўллари очилди. Янги ва барча учун бахт келтирадиган йўл очиш ҳеч бир замонда осон бўлмаган. Аммо ҳозирги мураккаб геосиёсий ва беқарор иқтисодий жараёнларда мамлакатимиз юксалтириш, йирик бунёдкорлик ишларини бажариш икки қарра оғир кечди. Янги Ўзбекистоннинг том маънодаги тараққиёт йўли эса ана шундай мураккаб даврда бунёд этилгани билан ҳам асрлар оша эътироф этилиши шубҳасиз.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифи якунланди.

Боборавхан ҲОЗИДДИНОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКДА НАМОЁН БЎЛАДИ



**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Ўзбекистон Экологик партиясининг
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракцияси раҳбари**


Унда иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллаштириш, ҳудудлар ва тармоқларда мавжуд ички имкониятларни тўлиқ ишга солиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда ҳар бир раҳбарнинг шахсий масъулиятини қўчайтиришга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Йил бошидан юртимиз иқтисодиёти 8,5 фоиз ўсгани, саноатда 8 фоиз, хизматлар соҳасида 16,9 фоиз, қурилишда 13,8 фоиз ва қишлоқ хўжалигида 4,7 фоизли ўсиш таъминлангани ислохотларнинг салмоқли натижасидир. Инвестиция ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт кўрсаткичи 14,4 миллиард долларга етгани, нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон суверен кредит рейтинги яхшилانгани мамлакатимиз иқтисодиётига ишонч тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, иқтисодий кўрсаткичлар фақат ҳисоботлардаги рақамлар бўлиб қолмаслиги керак. Улар, энг аввало, одамларнинг кундалик ҳаётида, даромадида, яшаш шароитида, маҳаллалар ободлигида, тадбиркорлик муҳитида ва аҳолининг эртанги кунга ишончида намоён бўлиши шарт. Ҳар бир вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари қандай янги захираларни аниқлагани, уларни ишга солиш учун қандай тизим яратётгани ва йил якунига қандай аниқ натижага эришишини кўрсата олиши лозим.

Йиғилишда маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этиш, аҳоли учун муносиб яшаш муҳитини яратиш ва “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича белгиланган вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. “Долзарб 40 кунлик” доирасида энг оғир 2 мингта маҳаллада электр энергияси, табиий газ, йўл ва ичимлик сув билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгилангани жойлардаги муаммоларни манзилли бартараф этишга хизмат қилади.

Айниқса, 8992 та маҳаллада кўча ва хонадонларни ободонлаштириш, даҳхат ва кўчатлар экиш, ариқларни тоза сақлаш бўйича аниқ мажбуриятлар юклатилгани партиямизнинг дастурий мақсадларига тўлиқ ҳамоҳангдир. Аммо бу вазифаларни фақат мавсумий ҳашар ёки қисқа муддатли ободонлаштириш тадбирлари сифатида қабул қилмаслик керак. Экилган ҳар бир



Ўзбекистон учун стратегик мақсад кўпроқ маҳсулот экспорт қилиш билан бирга “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган тушунчани жаҳон бозорида сифат, ишонч ва рақобат белгисига айлантириш.

Муносабат

8,5 фоизлик иқтисодий ўсиш ортида ишлаётган корхоналар, янги лойиҳалар, яратилган иш ўринлари, тадбиркорларнинг изланиши ва мамлакатнинг янги имкониятлар сари ҳаракати мужжасам.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БУГУНГИ ИМКОНИЯТ – ЭРТАНГИ ҚУДРАТ МАНБАИ

Бошланиши 1-бетда

Иқтисодиётда ўсиш суръатини сақлаб қолиш учун фақат янги режалар тузишнинг ўзи кифоя қилмайди. Энг катта имконият кўпинча мавжуд салоҳият ичида яширин бўлади. Бир корхона тўлиқ қувватда ишласа, ўнлаб одамлар даромад олади, юзлаб oilаларнинг турмушига таъсир қилади. Бир ишлаб чиқариш йўналиши тўхтаса, бутун иқтисодий занжирда сезилади.

Бугун иқтисодиёт олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам шу: мавжуд имкониятларни ҳаракатга келтириш. Чунки жаҳон бозорида рақобат кескинлашиб, савдо йўллари ўзгариб, ташқи талаб тез янгиланаётган бир пайтда ҳар бир корхонанинг барқарор ишлаши мамлакат иқтисодий қудратига таъсир кўрсатади.

Тадбиркор учун бугунги кун саволи оддий: ишлаб чиқарган маҳсулотини қаерга ва қандай шартларда олиб чиқади? Чунки дунё бозорида харидор учун кураш кетмоқда. Бир томонда сифат ва нарх бўлса, иккинчи томонда вақт, логистика ва ортиқча харажатлар масаласи турибди.

Йиғилишда экспортчилар зиммасидаги ортиқча тўловлар, йиғимлар ва маъмурий юкмааларни камайтириш масаласига эътибор қаратилгани ҳам шу нуқтан назардан муҳим. Чунки ташқи бозорга чиқишга ҳаракат қилаётган корхона ҳар бир харажатини ҳисоблайди. Баъзан катта имконият кичик тўсиқ ортида қолиб кетиши мумкин.

Иқтисодиётда яна бир муҳим масала ишламаётган қувватларни қайта ишга туширишдир. Йиғилишда айрим тўқимачилик корхоналари фаолияти тўхтаб қолгани сабабли 5 триллион сўмлик маҳсулот ва 400 миллион долларлик экспорт имкониятидан фойдаланилмаётгани қайд этилди. Бу бозорга чиқмаган



Корхона учун бренд оддий ном ёки белгидан анча катта тушунчадир. У йиллар давомида шаклландиган ишонч, сифат ва обрўнинг ифодаси. Бир маҳсулот ортида нафақат ишлаб чиқарувчининг меҳнати, балки бутун бир мамлакатнинг салоҳияти, ишлаб чиқариш



маҳсулот, ишга жалб этилмаган инсонлар ва ҳудуд иқтисодиётига қўшилмаган қийматдир.

Йил бошидан 57 та тармоқ ва 76 та ҳудудий корхона ишлаб чиқариш ҳажмини 11 триллион сўмга камайтиргани ҳам иқтисодиётда ҳали катта захиралар борлигини кўрсатмоқда. Энди масала фақат янги корхоналар очишда эмас, мавжуд корхоналарни қай тарзда яна ҳаракатга келтириш.

Чунки иқтисодий ўсишнинг энг ишончли манбаи ишлаётган корхона, самарали меҳнат қилаётган тадбиркор ва бозорда ўз ўрнини топаётган маҳсулотдир. “Темирни қизигида бос” деган халқ мақоли бор. Иқтисодиётда ҳам имконият пайдо бўлган пайтда уни натижага айлантира олган давлат ютади. Шу маънода, янги хусусийлаштириш дастури доирасида 100 триллион сўмлик давлат активларини иқтисодий айланимга киритиш вазифаси катта аҳамиятга эга. Бу жараёнинг қиймати сотиладиган мулк ҳажми билан эмас, ундан кейин қанча янги иш ўрни, қанча маҳсулот ва қанча экспорт имконияти яратилиши билан ўлчанади.

Жаҳон бозорида кураш маҳсулот завод эшигидан чиққандан кейин бошланади. Чунки тайёрланган товарнинг тақдирини унинг қанчалик сифатли экани билан бирга харидор уни қай даражада таниши ва унга ишоншига ҳам боғлиқ. Бозор қоидаси оддий: номи борнинг — қадри бор. Истеъмолчи кўпинча таниш, ишонч уйғотган маҳсулотни танлайди.

Шу жиҳатдан, йиғилишда миллий брендларни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қарилди. Чунки иқтисодиётни янада юксалтириш фақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан чекланмайди. Муҳим вазифалардан бири яратилган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда ўз ўрнига эга бўлиши, улар орқали юқори қўшилган қиймат яратилишини таъминлашдир.

маданияти ва иқтисодий нуфузи мужжасам бўлади. Дунё таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, кучли бренгда эга давлатларда ташқи бозорларда юқори қиймат яратиш ва ўз маҳсулотига барқарор талаб шакллантириш имкони мавжуд.

Чунки бозорда рақобат кўпинча харидор онгига қандай ўрин эгаллаши билан ҳал бўлади. Оддий маҳсулот бир марта сотилиши мумкин, ишонч қозонган бренд эса йиллар давомида бозорда ўз ўрнини сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам бренгда эътибор қаратиш экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган иқтисодий стратегия ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам миллий брендларни ривожлантириш ва уларни халқаро бозорларга олиб чиқиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги икки йилда бу йўналишга 15,5 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ўз қиёфасини яратишга қаратилган имкониятлар кенгайтирилди.

Энди мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш талаб этилади. Ўз брендини рўйхатдан ўтказган маҳаллий корхоналарнинг учдан бири ҳали экспорт бозорларига чиқмагани шуни кўрсатадики, бренд яратиш биринчи қадам холос. Эндиги вазифа уни халқаро майдонда танитиш, истеъмолчи ишончини қозониш, ташқи рақобат шароитида ҳимоя қилиш ва бозорда барқарор ўрнини шакллантиришдан иборат. Шу боис, йиғилишда белгиланганидек, миллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, уларни демпинг ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоя қилиш бўйича тизимли ёндашув зарур. Бу вазифа алоҳида корхоналар мақолатидан кенгрок маънога эга.

Ўзбекистон учун стратегик мақсад кўпроқ маҳсулот экспорт қилиш билан бирга “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган тушунчани жаҳон бозорида сифат, ишонч ва рақобат белгисига айлантириш. Чунки дунё

бозорида энг катта қиймат кўп ишлаб чиқарилган маҳсулотдан кўра одамлар ишонадиган номда мужжасам.

Иқтисодиётнинг кучлилиги фақат экспорт ҳажми ёки ташқи бозорлардаги муваффақият билан ўлчанмайди. Мамлакат салоҳияти қийин шароитларда ҳам ички эҳтиёжларни таъминлай олиши, стратегик захираларни шакллантира билиши билан ҳам намоён бўлади. Зеро, озиқ-овқат масаласи жамият барқарорлиги ва иқтисодий мустақилликнинг асосий омилларидан биридир.

Шу маънода, йиғилишда қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари соҳадagi ҳақиқий ҳолатни очиб бериб, қайси йўналишларда қўшимча чоралар зарурлигини аниқ кўрсатди.

Чорвачиликка қўшимча маблағлар йўналтирилиши, йил якунига қадар 100 минг бош қорамол ва 150 минг бош қўй-эчки олиб келиш вазифаси белгиланиши ички бозор эҳтиёжларини қондиришга қаратилган амалий чоралардан бири ҳисобланади. Аммо масаланинг мазмунини фақат чорва сонини кўпайтириш билан чекланмайди. Асосий мақсад маҳсулдорликни ошириш, замонавий парвартиш усулларини жорий этиш, фермер меҳнатининг самарасини кўпайтириш ва соҳани рақобатбардош ишлаб чиқариш тармоғига айлантиришдир.

Қишлоқдаги ҳар бир хўжалик ҳудуд иқтисодиётининг бир бўғини ҳисобланади. Бир фермернинг фаолияти ортида иш ўринлари, аҳоли даромади ва ички бозор таъминоти мужжасам. Шу сабабли аграр соҳадagi ҳар қандай ўзгариш мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳаракатига таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигида яна бир муҳим масала етиштирилган маҳсулотни сақлаш ва уни истеъмолчига ўз вақтида етказиб беришдир. Чунки баъзан далада етиштирилган ҳосил бозорга етиб келгунча қийматининг бир қисmini йўқотади. Маҳсулотни сақлаш имконияти бўлмаса, қилинган меҳнат ва сарфланган ресурслар ҳам тўлиқ натижа бермайди.

Шу боис, йиғилишда мева-сабзавот ва картошка захираларини шакллантириш, 87 минг тонна қувватга эга 340 та советкичи омборни ишга тушириш бўйича белгиланган вазифалар катта аҳамиятга эга. Бу нафақат маҳсулот йўқотилишини камайтиради, балки бозорда нархлар барқарорлигини таъминлайди, қайта ишлаш саноатини ривожлантиради ва қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматини оширади.

Аграр соҳанинг келажаги қанча ҳосил олинишидан ташқари, уни қандай сақлаш, қайта ишлаш ва юқори қиймат асосида бозорга чиқара олиш билан белгиланади. Дехқон ердан ҳосил олади, иқтисодиёт эса ана шу ҳосилдан қиймат яратгандагина ютади.

8,5 фоизлик иқтисодий ўсиш ортида ишлаётган корхоналар, янги лойиҳалар, яратилган иш ўринлари, тадбиркорларнинг изланиши ва мамлакатнинг янги имкониятлар сари ҳаракати мужжасам. Аммо ҳар қандай натижанинг қиймати уни келажақ тараққиёти учун қанчалик мустаҳкам пойдеворга айлантира олиши билан белгиланади.

Иқтисодиётда энг катта бойлик фойдаланилмаган имкониятларни кўра билиш ва уларни ҳаракатга келтира олишдир. Ишламаётган корхонада ҳам, ерда ҳам имконият бор, тадбиркор ташлабўсишда ҳам, инсон салоҳиятида ҳам катта куч мужжасам. Масала ана шу имконият ва кучни тўғри йўналтириш, ҳар бир ресурсни натижага айлантиришда.

Бугун дунёда рақобат тобора кучайиб, мамлакатлар нафақат маҳсулот, балки гоёра, сифат ва ишонч учун курашмоқда. Шундай шароитда юртимиз олдидаги энг муҳим вазифа иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш билан бирга унинг мазмунини бойитиш, ҳар бир соҳада янги қиймат яратиш ва инсон манфаатини тараққиётнинг бош мезонига айлантиришдир.

Тадбиркорга берилган эркинлик, ишга туширилган ҳар бир корхона, ташқи бозорга чиққан ҳар бир миллий бренд, сақланган ҳар бир тонна маҳсулот мамлакат иқтисодий қудратининг янги зарраси ҳисобланади. Чунки катта тараққиёт минглаб кичик ҳаракатлар, аниқ қарорлар ва масъулиятли ёндашувлар натижасида шаклланади.

Халқимизда “томчи тош тешар” деган ҳикмат бор. Иқтисодиётда ҳам ҳар бир ислохот, ҳар бир ташаббус ва ҳар бир самарали қарор вақт ўтиши билан катта ўзгаришларга айланади. Бугунги вазифа эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан, мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш, иқтисодиётни янги ўсиш нуқталари билан бойитиш ва юртимизнинг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлашдан иборат.

**Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**



Нуктаи назар

Фарғона ва Гомел вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик шунчаки қўғоздаги рақамлар эмас. Бу Бешариқдаги заводда иш бошлайдиган ёш йигит тақдири, Беларусь бозорига ўз майизини сотаётган боғбоннинг ҳамёни ва Фарғона хонадонларига кириб борадиган янги технологиялар демакдир.

КУЗГУ 5

2026 йил 23 июль, 148-сон

ЯНГИ ДАВР СТРАТЕГИЯСИ:

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ҲАМКОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Дунёда шундай дўстлик ҳам бўладик, бунда масофа ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Йиллар давомида сокин оққан дарёдек бир-бирини узокдан кузатган икки ўлка — қуёш нурларида олтиндек товланадиган бағрикенг Ўзбекистон ҳамда ям-яшил ўрмонлар ва кенг далаларга эга Беларусь бүгун бутунлай янги бир саҳифани очмоқда. Икки мамлакат етакчиларининг бир-бирига самимий ва илиқ муносабати худди қалб кўпригига ўхшайди. Бу кўприк бүгун нафақат сиёсатчиларни, балки тadbirkorларни, олимларни, ижодкорларни ва минглаб оддий инсонларни ҳам бири-бири билан яқинлаштиряпти. Икки давлат ўртасида яқинда имзоланган тарихий келишувлар шунчаки ҳужжатлар эмас, балки икки халқнинг эртанги нурли келажаги, муштарак орзулари ва қатъий ишончининг амалий ифодасидир.

Тошкент ва Минск ўртасидаги муносабатлар тарихда ҳеч қачон ҳозиргидек юқори чўққига кўтарилмаган эди.

Яқинда Президентимизнинг Беларусь Республикасига тарихий расмий ташири аниқ амалий натижаларга асосланган янги стратегик шериклик босқичига қадам кўйилганини яққол намоян қилди. Александр Лукашенконинг учрашув давомидаги гаплари Беларусьнинг Ўзбекистон билан муносабатларда максимал даражада очкилик, ўзаро ишонч ва узок мудатли шерикликка тайёрлигини намойиш этди. Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг фикрларида ҳам очкилик, давлатлар ўртасида қурилаётган мустаҳкам кўприкнинг узокқа мўлжалланган стратегияси ўз ифодасини топди.

Яқин-яқингача Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари фақат қишлоқ ҳўжалиги техникаси ёки юк машиналари сотиб олиш каби чекланган савдо доирасида эди. Бироқ кейинги йилларда йўлга қўйилган очик ва прагматик ташки сиёсат вазиятни бутунлай ўзгартирди. Икки давлат етакчиларининг самимий мулоқоти ва ўзаро ишончи муносабатларининг янги локомотивига айланди.

Иқтисодий кооперация ва йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун, энг аввало, мустаҳкам ишонч ва олий даражадаги сиёсий ирода зарур. Икки давлат эндиликда глобал иқлим ўзгаришлари ва озиқ-овқат хавфсизлиги учун курашилаётган бир пайтда бир-бирини тўлдирувчи ишончли шерик сифатида намоян бўлмоқда.

Ташир доирасида ўзаро савдо ҳажмининг 2 миллиард долларга етказиш ҳамда умумий қиймати 2 миллиард долларлик 310 та

инвестициявий лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувга эришилди. Машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик ва ёғочни қайта ишлаш билан бирга энг катта эътибор қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачиликка қаратилмоқда.

Беларусь ўз ҳудудидан унумдор ерларни аграр имкониятларини амалга ошириш учун Ўзбекистон тadbirkorларига бермоқда. Ўзбекистонлик сармоядорлар Беларусьда чорвачилик ва озук базаларини шакллантирмоқда. Ўзбекистон ўз аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фақат ички ресурслар билан чекланиб қолмай, хориждаги ишончли ҳамкорлар ҳудудида агро-ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби илғор глобал тенденциялардан самарали фойдаланмоқда.

Ҳамкорликнинг энг қизиқарили ва ҳаётий жиҳати ҳудудларо тўғридан тўғри алоқалар йўлга қўйилганидир. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик модели бунинг яққол исботидир. 255 нафар андишонлик аллақачон Витебскда ташкилий асосда иш билан таъминланди. Сентябрь ойидан бошлаб эса ҳар ойда 500 нафардан, жами 5 минг фуқарони ишга жойлаштириш ва бунинг учун Витебскда Миграция агентлиги ваколатхонасини очиш режалаштирилган.

Ўн битта чорвачилик мажмуаси негизда янги лойиҳалар бошланди (200 бошдан 3 минг бошгача қорамол боқиш қувватига эга). Эндиликда ушбу ишончли ҳамкорлик бутун республика бўйлаб ёйилмоқда. Фарғона, Бухоро, Қашқадарь, Навоий, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари



Беларусьнинг мос равишда Гомел, Витебск, Могилёв, Гродно ва Брест вилоятларига бикриктирди. Ҳар бир ҳудуддан камида 30 нафардан етакчи тadbirkor Беларусьга сафар қилиб, қўшма лойиҳаларни бошлайди.

Иқтисодий келишувларни логистика занжирига тасаввур қилиб бўлмайди. Йил якунига қадар Витебск вилоятидаги Орша станциясида интермодал логистика маркази ишга туширилиши ва тўғридан тўғри блок-поездлар қатнови йўлга қўйилиши юк ташиш харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

2025 йил 7-8 октябрь кунлари Фарғона давлат университетига ўтказилган Ўзбекистон — Беларусь II таълим форуми икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Форум нафақат олий таълим ва илмий тadbirkorларни ривожлантириш, балки инновациялар ғояларини ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш борасида ҳам муҳим қарорлар қабул қилинган майдонга айланди. Айниқса, университетнинг аграр факультетида амалга оширилаётган илмий-амалий лойиҳалар Беларусь делегацияси томонидан юқори баҳоланди. Бу эса Фарғона давлат университети минтақада замонавий аграр таълим ва инновациялар марказига айланиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Бугунги кунда факультетда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (FAO) билан ҳамкорликда барпо этилган “Ақли” деҳқончилик иссиқхонаси

ресурсларни тежаш ва рақамли бошқарув технологияларини амалиётга жорий этишнинг муваффақиятли намунаси ҳисобланади. Замонавий автоматлаштирилган тизим асосида 8000 туپ серхосил бодирин етиштирилаётгани илмий ишланмалар амалда ҳам юқори самарадорлик бераётганини кўрсатади. Шунингдек, асаларичилик қоворқинг марказида асалари оилалари кўпайтирилиши, наслил она арилар етиштирилиши ва табиий асал ишлаб чиқарилиши натижасида юз миллионлаб сўмлик иқтисодий самарага эришилгани университетда илм-фан, таълим ва тadbirkorлик ўзаро уйғунлашаётганининг ёрқин ифодасидир.

Университетимизда ташкил этилган бешта қоворқинг маркази ана шу тизимли ёндашувнинг мантиқий давоми бўлди. Умумий қиймати 1 миллиард 170 миллион сўмлик ушбу марказлар анорчилик, узумчилик, чорвачилик, асаларичилик ҳамда таржима фаолияти йўналишларида иш юритмоқда. Уларнинг асосий устунилиги шундаки, бу ерда профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар ва талабалар бир жамоа сифатида фаолият юритиб, назарий билимларни амалий тажриба билан бойитмоқда. Натижада янги навлар яратиш, чорвачиликни илмий асосда ривожлантириш, маҳсулдорлигини ошириш, илмий мақолалар тайёрлаш ва инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон — Беларусь II таълим форуми доирасида эришилган натижалар эса илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган ушбу ривожланиш модели келгусида янада кенг кўламда давом этишдан далолат беради.

Ўзаро эришилган ҳар бир келишувнинг аниқ лойиҳа, янги корхона ва мунособ иш ўринларига айланиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлайди. Минск шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Беларусь III ҳудудларо форумида Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва Гомел вилояти ижроия қўмитаси раиси Иван Крупко ўртасида имзоланган янги “йўл харитаси” икки ҳудуд иқтисодиёти билан бирга, оддий аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган жуда аниқ, ҳаётий лойиҳаларни ўз ичига олди.

Иқтисодий кооперациянинг ҳар қандай қўрилиши, энг аввало, инсон капиталига ва оилалар боджетига таъсир қилгандагина ҳақиқий қийматини намоян этади. Ҳўш, Фарғона ва Гомел вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик аҳоли турмуш даражаси ўсишига қандай таъсир кўрсатади? Келинг, бунинг аниқ рақамлар ва йўналишлар мисолида чуқур таҳлил қиламиз.

Музокараларнинг энг муҳим амалий натижаси — Фарғонанинг Бешариқ ва Фарғона туманларида беларуслик инвесторлар иштирокида жами 23 миллион долларлик икки йирик лойиҳага старт берилди. Бешариқдаги “Beshagrosmakaro” корхонасида 100 та, Фарғона туманидаги “FERMI 777” қўшма корхонасида 50 та янги иш ўрни яратилади. Инвестицияларнинг Фарғона водийсига кириб келиши бевосита 150 та оиланинг муқим иш ўрни ва барқарор ойлик маоши билан таъминлигини аналгатади. Ҳудудларда ишчиласилик юқини камайтириш, аҳолини ўз томорқаси ёки яшаш жойидан узоклашмаган ҳолда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарига жалб этиш одамларнинг ижтимоий ҳимоясини ва эртанги кунга ишончини тубдан мустаҳкамлайди.

Фарғона вилояти мева-сабзавот етиштириш борасида улкан салоҳиятга эга, бироқ хомашини шунчаки даланинг ўзидан арзон нархда сотиш деҳқоннинг меҳнатини тўлиқ қопламас эди. Янги лойиҳалар маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, шок усулида мулатиш ва замонавий қадоклашга иқтисодлашган. Икки корхона йилига жами 15 минг

тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини қайта ишлайди.

Бизнинг деҳқонлар, боғбонлар ва томорқа эгалари эндиликда ўзалари етиштирган маҳсулотни сотадиган тайёр ва қафолатланган харидорга (кластер тизимига) эга бўлади. Маҳсулот далада нобуд бўлишининг олди олинади, талаб ортиши ҳисобига эса қишлоқ меҳнаткашлари даромадлари бир неча баробар кўпаяди. Бу қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтаришнинг энг тўғри иқтисодий ечимидир.

Фарғона вилояти тadbirkorлари билан Гомел вилоятининг унумдор ерлари ва чорвачилик салоҳиятидан самарали фойдаланиб, 3 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Хусусан, картошка етиштириш, чорвачиликда жаҳонга машҳур лимузин (Limousin) эзтли гўштдор қорамоллар етиштириш бўйича икки томонлама манфаатли келишувларга эришилгани келгусида азалий қадриятларини сақлаб келаётган давлатлар иқтисодиёти янада юксалиши, аҳоли бандлиги ошиши, қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий фаровонлиги, ҳаётининг мамнунилик қайфиятини оширади.

Бешариқ туманидаги “Beshagroekspor” корхонасининг Беларусьнинг 100 дан ортиқ дўконига эга бўлган йирик “Smaka” савдо тармоғи билан ҳамкорлиги Фарғона қури-тилган мевалари учун тўғридан тўғри экспорт йўлини очди. Жорий йилнинг ўзида экспорт ҳажмининг 3 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Фарғонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот халқаро стандартлар асосида хориж пештахталарига етиб бориши маҳаллий корхоналар рентабеллигини (фойдасини) оширади. Корхона фойда кўрдами, ишчиларнинг ойлик маоши ошади, солиқ тушумлари кўпаяди, пировардида бу пуллар вилоят инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилади. Оқибатда бутун вилоят аҳолисининг яшаш шароити яхшиланади.

Форумда нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки гўзапояни қайта ишлаб биочар (биоқўмир) олиш ҳамда унинг негизига иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш каби инновацион лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди.

Агар Фарғона ҳудудларида ушбу “яшил” технологиялар жорий этилса, энг аввало, бу чекка қишлоқлардаги энергия таъминотини яхшилашга хизмат қилади. Экологик тоза ва арзон энергия манбаси пайдо бўлиши аҳолининг коммунал соҳадаги муаммоларини камайтиради ва яшаш сифатини янги босқичга кўтаради.

Фарғона ва Гомел вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик шунчаки қўғоздаги рақамлар эмас. Бу Бешариқдаги заводда иш бошлайдиган ёш йигит тақдири, Беларусь бозорига ўз майизини сотаётган боғбоннинг ҳамёни ва Фарғона хонадонларига кириб борадиган янги технологиялар демакдир. Фарғона ҳудудларо интеграция яқин йилларда Фарғона аҳолиси мунособ иш, юқори даромад ва фаровон ҳаёт билан таъминлигини энг кучли драйверига айланиши тўлиқ исботланмоқда.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори

Тинчлик, миллатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик бебаҳо неъмат. Юртимизда кечяётган янгиланиш жараёнларида миллатларо тотувлик, ўзаро аҳиллик ва биродарлик, тинчлик ғояларини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Зеро, дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат жамият тараққиётининг мустаҳкам асосини ташкил этади. Ана шу эзгу ғояларни тарғиб қилиш мақсадида ҳар йили 30 июль бутун дунёда Халқлар дўстлиги куни сифатида нишонланади. Бу инсониятни бирликка, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликка чорловчи муҳим даъватдир.

Сана муносабати билан 23-31 июль кунлари мамлакатимиз бўйлаб анъанавий “Дўстлик” фестивали ўтказилади. Шу кунлар давомида барча вилоятлардаги маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, санъат саройлари ҳамда кўргазма залларида кенг қамровли маданий-маърифий дастурлар ташкил этилади. Фестиваль доирасида нуфузли анжуман, концерт, театр томошалари ва ижодий учрашувлар ўтказилиб, уларда турли миллатларнинг маданияти, санъати, адабиёти ҳамда урф-одатлари кенг жамоатчиликка тadbirkor этилади.

Бошлар ёғи оромгоҳларида “Дўстлик болаликдан бошланди” мавзусида маърифий тadbirkorлар, ҳудудларда “Дўстлик оҳанглари” концерт дастурлари, “Ўзбекистон — бағрикенг дийёр” ва “Она замин бағридан...” деб номланган рассомлик ва халқаро ҳунармандлик кўргазма-ярмаркалари ташкил этилади. Шунингдек, “Умуммиллий бирдамлик — янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи!” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 24-25 июль кунлари Самарқанд шаҳрида “Биродар шаҳарлар халқаро форуми” бўлиб ўтади. Маъмур анжуман ҳудудларо дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг аҳил-иноқ истиқомат қилиши бу дийёра азалдан тинчлик ва бағрикенглик муҳити устувор бўлиб келаётганидан

30 июль — Халқлар дўстлиги куни



КўП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

далолат беради, — дейди Миллатларро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раиси Қаҳрамон Сариев. — 2021 йилда 30 июль мамлакатимизда Халқлар дўстлиги куни деб эълон қилинди. Ушбу айём бир ҳафта давомида бутун республика бўйлаб “Дўстлик” фестивали сифатида кенг нишонланади.

Ҳозир юртимизда 157 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда. Улар турли халқларнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда ёш авлодга етказиш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Марказларга 2021 йилдан бошлаб давлат субсидиялари ажратилаётгани уларнинг фаолиятини янада жонлантирди. Ҳудудларда ташкил этилган “Дўстлик уйлари” эса миллатларро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда бирдамликни мустаҳкамлаш ва ягона фуқаролик ўзлигини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Миллий маданий марказлар турли маданий-маърифий тadbirkor, фестиваль ва конференция, ижодий учрашув, кўргазма ҳамда



миллий байрамларни ташкил этиш орқали юртимизда дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилнинг олти ойида “Ўзбекистон — ягона Ватан!” шиори остида кўплаб маданий-маърифий, илмий-амалий тadbirkor ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларга

турли миллат вакиллари ҳамда ёшлар жалб қилинди. Хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш мақсадида дўстлик жамияти иштирокида чет эл делегациялари билан юқори даражадаги учрашув ва қўшма маданий тadbirkorлар ўтказилди.

“Ватандошлар” жамоат фонди билан ҳамкорликда чет элда истиқомат қилаётган юрtdoшларимиз иштирокида онлайн форумлар ташкил этилди. Уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги иштирокни кенгайтириш бўйича янги истиқболли лойиҳалар базаси шакллантирилди.

Шу билан бирга, “Дўстлик стеласи” ўрнатилганининг бир йиллиги муносабати билан Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон дўстлик форуми ташкил этилди. Ўнда Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжондан келган меҳмонлар ҳамда маҳаллий вакиллар иштирок этди.

33 та миллий маданий марказнинг ҳисобот-сайлов конференциялари муваффақиятли ўтказилди. Миллий маданий марказлар

павильонида мунтазам равишда концерт дастурлари ва кинонамоишлари бўлмоқда. Бу марказлар “Сабантўй”, “Хидерлез”, “Оқ қалпоқ” каби анъанавий миллий байрамларни кенг ва кўтаринки руҳда нишонлашда фаолдир.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда, “Uz Global Think” форуми ҳамда “Навоий нафаси” лойиҳаси доирасида Тожикистон ва Қозоғистонда туркум тadbirkorлар ўтказилиб, хориждаги ёшлар учун 6 та онлайн Ўзбек тили курси ташкил этилди ва уларга беш мингдан зиёд китоб ва миллий маданий воситалар етказиб берилди.

Энг муҳими, халқаро майдондаги дўстлик алоқаларимиз сезиларли даражада кенгайди ва натижада ўндан ортиқ давлат иштирокида йирик анжуманлар ўтказилди. Чет элнинг 6 та ҳудуди билан янги биродарлик алоқалари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 82 тага етказилди.

Айни пайтда Ўзбекистон — Саудия Арабистони, Ўзбекистон — Испания ва Ўзбекистон — Нидерландия дўстлик жамиятларини тузиш ишлари фаол давом этмоқда. Ушбу сайёҳатқиларнинг барчаси юртимиздаги тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин унинг энг катта бойлиги бу миллатли халқдир.

Юртимизда бўлиб ўтиши кутилаётган “Дўстлик” фестивали муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрам тadbirkorига ва халқ сайилларига алоҳида тайёргарлик қўриш энг муҳим ва устувор вазифа сифатида белгиланган. Фестиваль юртимизнинг бой маданиятини намойиш этиш ва турли халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришни мақсад қилган.

Фестиваль доирасидаги тadbirkorларнинг бир вақтининг ўзида турли вилоят ва шаҳарларда ўтказилиши аҳолига ўз ҳудудида миллий маданиятлар, ижодий жамоалар ва санъат намояндалари иштирокидаги дастурларни томоша қилиш имконини беради.

“Дўстлик” фестивали билан боғлиқ тadbirkorлар эса миллатларро муносабатлар ва ўзаро ришталарнинг янада жипслашиши, мустаҳкамлашиши йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2026 йил 23 июль, 148-сон

6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuuz.uz_news

yuuz.uz_news

Кино санъати

GRAN AMIR Y DONA MARIA

ТРИК ТРИК

МАЪНАВИЙ ЯҚИНЛИК ВА ИЖОДИЙ ҲАМЖИҚАТЛИК НАМУНАСИ



Шухрат ҲАЙИТОВ,
Кинематография агентлиги
бошқарма бошлиғи, филология
фанлари доктори

Иссиққўлга хуш келибсиз!

Ҳар сафарнинг ўз манзили, ҳар манзилнинг эса инсон қалбига қоладиган хотираси бўлади. Шундай манзиллар борки, у ердан фақат суратлар ёки эсдалик совғалар билан эмас, янги фикрлар, янги ғоялар ва катта таассуротлар билан қайтасиз. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Қирғиз Республикасининг Иссиққўл вилоятида ўтказилган халқаро кинофестивали ана шундай унутилмас анжуманлардан бири бўлди.

Иссиққўл... Чингиз Айтматов уни “Қирғиз дунёсининг мангу қўшини” деб атаган. Афсонавий қўл асрлар давомида савдогарлар, сайёҳлар, олимлар ва адибларни ўзига мафтун этиб келган. Бу масканга қадам қўйган ҳар бир инсон, аввало, табиятнинг буюклиги олдида ҳайратга тушади. Бир томонда осмон билан туташиб кетгандек туюладиган мовий сувлар, иккинчи томонда эса қорли Тяньшань тоғлари ястаниб ётибди...

Бу сафар Иссиққўл бутунлай бошқа бир маънода жаҳон нигоҳини ўзига қаратади. Чўлпонота шаҳри бир неча кун давомида кино санъатининг халқаро марказига айланди. ШХТнинг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур халқаро кинофестиваль турли мамлакат вакиллари билан бир саҳна атрофида жамлади. Меҳмонлар меҳмонларини “Иссиққўлга хуш келибсиз!”, дея қутиб олди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Россия, Эрон, Тожикистон, Беларусь ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган режиссёр, сценарист, оператор, бастакор, актёр ва киношунослар учун бу фестивал шунчаки ижодий танлов эмас, тажриба алмашиш, дўстлик ришталарини бослаш ва кино орқали халқларни янада яқинлаштириш тадбири бўлди.

Фестиваль арафасидаёқ Чўлпонота кўчаларида байрамона муҳит ҳукм сура бошлаган эди. Турли давлатларнинг ҳилпираб турган байроқлари, меҳмонларнинг самимий табассумлари ва турли тиллардаги суҳбатлари шаҳарга ўзига хос жозиба бағишларди. Кино ҳақидаги баҳслар, янги лойиҳалар хусусидаги фикрлар, ижодкорларнинг илк учрашувлари фестивалнинг нуфузли анжуман эканини кўрсатиб турарди.

“Рух Ордо”да бошланган байрам

Фестивалнинг очилиш маросими буюк қирғиз адаби Чингиз Айтматов номидаги “Рух Ордо” маданий марказида бўлиб ўтди. Ушбу масканнинг танланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Улуғ адиб асарлари инсон қалби, тарих ва маънавият ҳақида сўзлайди. Кино санъати ҳам худди шундай эзгу мақсадга — инсонни ўйлашга, англашга ва ҳис қилишга ундайди.

Анжуман миллий куйлар ва рақслар билан бошланди. Турли мамлакатлар делегациялари бирин-кетин тақлиф этилар экан, залда ўтирган ҳар бир иштирокчи фестивалнинг асосий ғояси — маданиятлар мулоқоти ва халқлар дўстлигини янада тيرانроқ ҳис қилди.

Ўзбекистон делегацияси ҳам катта қизиқиш билан қутиб олинди. Фестиваль дастури билан танишар эканмиз, унинг мазмунан нақадар бой

эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бир неча кун давомида фильмлар намойиши, ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, ишбилармонлик мулоқотлари ҳамда маданий саёхатлар режалаштирилган эди.

Очилиш маросимидан кейин делегациялар ўртасидаги дастлабки суҳбатлар бошланди. Киношунослар фильмлар ҳақида фикр алмашар, режиссёрлар янги лойиҳалар юзасидан мулоқот қилар, ёш ижодкорлар эса ўзлари учун катта тажриба мактабига айланган муҳитдан баҳраманд бўларди.

Суҳбатлар чоғида Ўзбекистонда миллий кинематографияни ривожлантириш, тарихий фильмлар яратиш ва кино инфратузилмасини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, “Тирик тарих” туркуми доирасида экран юзини кўраётган асарлар ҳақидаги маълумотлар кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Кеча яқин Иссиққўл соҳили яна ўзининг сокин қиёфасига қайтди. Аммо фестивал иштирокчилари қалбига эртанги намойишларга бўлган интиқлик тобора ортиб борарди. Чунки навбатда турли мамлакатларнинг фильмлари қаторида Ўзбекистоннинг “Тирик тарих” дастури асосида яратилган ва катта қизиқиш билан қутилаётган “Улуғ Амир ва Донна Мария” фильми намойиши ҳам қутиб турарди.

Экранга кўчган тарих

Фестивалнинг учинчи куни ўтказилган ва ҳамма алоҳида қизиқиш билан кутган намойишлардан бири Ўзбекистон миллий кинематографияси тақдироти бўлди. Бу тақдирот фестивалда иштирок этаётган кўплаб хорижий киносоздорлар учун янглик эди. Сабоби кейинги йилларда Ўзбекистон кинематографиясида тарихий мавзуда яратилаётган фильмлар халқаро кино майдонида тобора кўпроқ эътироф этила бошланди.

Айниқса, Президентимизнинг маданият ва санъат соҳасига қаратаётган юксак эътибори, миллий кинематографияни янги босқичга олиб чиқишга оид фармон ҳамда қарорлари, тарихий меросимизни кино орқали тартиб қилиш борасидаги ташаббуслари халқаро кино жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кузатилаётгани суҳбатлар давомида кўп бор тилга олинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 июндаги “Кинематография соҳасини янада



ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Тирик тарих” дастури доирасида 21 та бадийи ва 33 та бадийи-публицисттик фильм, жами 54 та киноасар яратилмоқда. Улар орасида “Баҳодир Ялангтўш”, “Ажинеёз”, “Махтумқули Фироев”, “Улуғ Амир ва Донна Мария”, “Ўзбек арслони” (“Қазбек”) каби фильмлар алақачон томошабинлар ва кино мутахассислари эътирофига сазовор бўлди.

Хусусан, “Махтумқули Фироев” фильми дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатда намойиш этилиб, қатор халқаро мукофотларни қўлга киритди. Жумладан, Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида ўтказилган Кўркўт ота IV халқаро кинофестивалида “Энг яхши фильм” номинацияси бўйича олий совринга муносиб деб топилди. Шунингдек, Туркияда ўтказилган II Турон халқаро кинофестивалида “Энг яхши



ўзбек фильми” сифатида тақдирланди. Қозон халқаро кинофестивали, Лондонда ўтказилган Евросоё ижодий гилдияси кинофестивали ҳамда Барселона шаҳридаги Оснё фильмлари халқаро кинофестивалида ҳам юқори баҳоланди.

“Баҳодир Ялангтўш” фильми эса “Олтин Хумо — 2024” миллий киномукофотининг “Энг яхши фильм” номинациясини олди. Бу фильм орқали томошабин биринчи марта XVII аср Мовароуннахрининг сиёсий ва маданий муҳитини, Самарқанднинг қайта юксалиш жараёнларини бадийи талқинда англаш имконига эга бўлди. Фильм фақат тарихий шахс ҳақида ҳикоя қилиш билан чекланмайди. У миллий тарихий кинематографиянинг янги босқичга кўтарилишини англатади. “Баҳодир Ялангтўш” ёш авлодга миллий меросга ҳурмат ва тарихий шахсларга қизиқишни қучайтиришга хизмат қилади.

Бу асар ўзбек тарихий киносида техник ва бадийи янгилиниш намунаси ҳисобланади. Замонавий визуал эффектлар, виртуал павильон технологиялари ва катта қўлмали саҳналар фильмининг томошабоплигини ошириб, миллий кинони халқаро стандартларга яқинлаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда кино санъати юқори даражага кўтарилиши кино орқали халқимизнинг тарихий хотираси қайта уйғонишига сабаб бўлмоқда. Шу кунларда “Тирик тарих” дастуридан ўрин олган “Юлдузлар шуъласи: Жомий

ва Навоий”, “Бухоро марвариди” ва “Файзулла Хўжаев” фильмларининг якунига етказилгани қувонарлидир.

Иссиққўл фестивали дастуридан ўрин олган “Улуғ Амир ва Донна Мария” фильми ана шу лойиҳанинг муносиб намунаси сифатида намойиш этилди. Фильмининг асосида таниқли адиб Хайриддин Султоннинг чуқур тарихий изланишларида таянган олиб чиққан режиссёр Елқин Ёўйчиев ҳар бир кадр орқали тарихий ҳақиқат ва бадийи ечим уйғунлигини ёрқин намён этишга муваффақ бўлган.

Фильм бошланиши олдида кинотеатр фойсёсида турли давлатлардан келган меҳмонлар ўртасида айнан шу асар ҳақида қизикарли суҳбатлар кечди. Айримлари Амир Темур шахсияти ҳақида савол берса, бошқалар фильм қандай тарихий манбалар асосида суратга олингани билан қизиқди.

Нихоят, зал чироқлари ўчди. Экранда тарих нафас ола бошлади. Фильмининг дастлабки дақиқалариданоқ зални чуқур сукунат қамраб олди. Бу оддий сукунат эмас, экранда кечаётган воқеалар томошабинларни бутунлай қутлаб олганининг ифодаси эди. Қадрлар бирин-кетин алмашар, ҳар бир саҳна томошабинни XV аср муҳитига етакларди. Рассом, либослар бўйича мутахассис, оператор, умуман, бутун ижодий жамоанинг улкан меҳнати картинанинг ҳар бир лавҳасида яққол сезилиб турарди.

Айниқса, фильм мусиқаси экрандаги воқеалар билан бир бутун уйғунлик касб этган. У қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини янада таъсирчан очиб беришга хизмат қилди... Фильм якунига етгач, залда бир неча лаҳза сукунат сақланди. Сўнг эса бутун зални узок давом этган қарасаклар тўлдирди. Бу қарасаклар фақат бир фильм учун эмас, Ўзбекистон тарихи, миллий кино мактаби ва тарихий ҳақиқатни экран тилида жонлантира олган ижодкорлар меҳнати учун янграр эди.

Намойишдан кейин хорижий режиссёрлар, продюсерлар ва киношунослар фильмда роль ўйнаган актёрлар билан самимий мулоқот қилди. Улар асарнинг драматургияси, тарихий муҳитнинг ишончли яратилгани, операторлик ечимлари ва актёрлар ижросини юқори баҳолади.

Айниқса, фильмдаги образларни юксак маҳорат билан гавдалантирган актёрлар — Кўпжурсин Алланазаров ва Жўрабек Арзиев учун бу кун уларнинг ҳаётидаги энг унутилмас саҳифалардан бири бўлиб қолди.

Фильм намойишидан кейинги муҳокамалар ана бир ҳақиқатни тасдиқлади: бутун ўзбек киноси халқаро кино маконидаги муносиб ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Фильм яратиш учун фақат камера ва сценарий кифоя эмас

Кинофестиваль фақат кино намойишлари билан эмас, балки иштирокчилар учун тайёрланган бий маданий дустри билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Чунки кино яратётган инсон, аввало, халқнинг тарихи, маданияти ва маънавиятини теран ҳис қилиши керак. Шу маънода, тадбир ташкилотчилари томонидан меҳмонларни қирғизларнинг бий маданий мероси билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Фестиваль кунлари Иссиққўл нафақат бетақор табиятини, балки қадим цивилизацияларни ўзида мужассам этган тарихий ўлка эканини яна бир бор намён қилди. Иштирокчилар буюк қирғиз давлат арбоби ва озолиқ курашчиси, жасур аёл Қурбонжон додхоҳ музейига ташриф буюрди. Музей экспозициялари билан танишар эканмиз, қирғиз халқининг озолиқ учун кураши, миллий ғурури ва жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи ҳар бир экспонат бизни чуқур ўйга толдиқарди.

Тарих шунчаки китобларда битилган саҳифалардангина иборат эмаслигини, у инсон тақдири, жасорати ва матонати орқали яшашини ана бир бор ҳис этдик.

Шундан сўнг иштирокчилар Иссиққўлнинг энг ноёб тарихий ёдгорликларидан бири — Саймалитоқш петроглифлари билан танишди. Очик осмон остидаги бу бетақор музейда минглаб йиллар муқаддам тошларга муҳрланган ҳайвонлар, инсонлар ва турмуш манзаралари тасвири гўё хануз ҳаёт кеңираётгандек туюлади. Қадимги аجدодларимиз тошга чизиб

қолдирган тасвирлар ҳам, бутунги кинематографистлар экранга муҳрлаётган образлар ҳам ягона бир мақсад — инсоният хотирасини асрашга хизмат қилади.

Кечкурун Иссиққўл яна мутлақо бошқача қиёфага кирарди. Қуёш тоғлар ортига яширингач, қўл юзидagi сокинлик янада чуқурлашар, қирғоқ бўйлаб ёқилган чироқлар сувда акс этиб, бутун атрофга ўзига хос романтик кайфият бағишларди.

Фестиваль иштирокчилари ана шундай оқшомларда бир дастурхон атрофида жам бўлиб, кино, ҳаёт ва инсон тақдири ҳақида узоқ суҳбатлашар эдилар. Бу суҳбатларда турли миллат вакиллари бир фикрда биришарди: кино халқларни бир-бирига яқинлаштиради.

Шу боис, Иссиққўл соҳилида ўтказилган ушбу фестивал фақат фильмлар танлови эмас, маданиятлар, қалблар ва дўстлиқни яқинлаштирган маънавий мулоқот майдонига айланди.

Фестивалнинг маданий дастури иштирокчиларга ана бир ҳақиқатни англатади: кино яратиш учун фақат камера ва сценарий кифоя эмас, халқ тарихи, маданияти, қадриятлари ва руҳиятини ҳис қилиш ҳам зарур.

Эътироф лаҳзалари...

Ҳар қандай фестивалнинг энг ҳаяжонли палласи — тақдирлаш маросими. Чунки бир неча кун давомида экранларда намойиш этилган асарлар, ижодкорларнинг изланишлари ва уларнинг томошабинлар қалбига қолдирган таассуротлари айнан шу кечада муносиб баҳо-сини олади.



Тадбирнинг ёпилиш маросими ҳам яна ўша Чингиз Айтматов номидаги “Рух Ордо” маданий-маърифий марказида бўлиб ўтди. Бир неча кун давомида бир-бирига бегона бўлган инсонлар энди қадрдон ҳамкасбларга айландилар. Биргаликда фильм томоша қилган, баҳслашган, фикр алмашган, тарих ва санъат ҳақида суҳбат қурган инсонлар бутун яна бир саҳна атрофида жам бўлди.

Тақдирлаш маросими бошланар экан, залда ўзига хос ҳаяжон ҳукм сурадди. Ҳар бир номинация эълон қилиниши билан қарасаклар сурча, саҳнага кўтарилган ижодкорлар юзидa қувонч, ҳаяжон ва миннатдорлик туйғулари мужассам эди.

Бу оқшомда қувонарли хабарлардан бири Ўзбекистон делегацияси учун янгради. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, “Улуғ Амир ва Донна Мария” фильми учун мусиқа яратган таниқли бастакор Абулқосим Муинзода “Энг яхши бастакор” номинацияси ғолиби деб эълон қилинди.

“Кулпнай маликаси”, “Сасиқ” (Қозоғистон), “Махтумқули Фироев”, “Навоий ва Жомий”, “Авлоний”, “Абдулла Орипов”, “101 рейс”, “Пуанкаре” каби қатор бадийи фильмларга мусиқа басталаган Абулқосим Муинзода бетақор ижоди билан кенг эътироф этилган истиснодга бастакордир. У сермасхул ижодий фаолияти давомида миллий ва халқаро миқёсдаги қатор нуфузли мукофотларга сазовор бўлган.

“Улуғ Амир ва Донна Мария” фильмида мусиқа шунчаки фон вазифасини бажармайди. У экрандаги воқеалар билан бирга нафас олади. Қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини очади. Айрим саҳналарда эса мусиканинг ўзи алоҳида қаҳрамонга айланади. Шу боис, ҳакамлар ҳайъатининг мазкур қарорини иштирокчилар самимий олқишлар билан қарши олди.

Фестиваль доирасида намойиш этилган фильмлар турли номинациялар бўйича муносиб тақдирланди. Беларусь кинематографлари яратган “Один на двоих” фильми “Энг яхши монтаж” номинациясига муносиб кўрилди. Эрон ва Тожикистон ижодкорлари ҳам актёрлик маҳорати учун юксак эътирофга сазовор бўлди.

Фестивалнинг бош мукофоти — Гран-при эса қирғиз киночилари томонидан яратилган “Қора, қизил, сариқ” фильмига насиб этди. Бу қарор ҳам томошабинлар ва мутахассислар томонидан илиқ қутиб олинди. Чунки мазкур асар инсон руҳияти, ҳаёт синовлари ва маънавий танловларни чуқур кинематографик тилда ифода этиб бера олгани билан фестивал давомида энг кўп муҳокама қилинган фильмлардан бири бўлди.

Бирок бу кечанинг энг катта ғолиби, назаримда, муайян фильм ёки ижодкор эмас эди. Энг катта ғолиб киновнинг ўзи эди. Чунки бир неча кун давомида турли мамлакатлардан келган ижодкорлар бир-биридан ўрганди. Янги ғоялар пайдо бўлди. Келажакда амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар ҳақида дастлабки келишувлар шаклланди.

Энг муҳими, бир ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди: кино — халқларни бириштиради. Кино — тарихни тириштиради. Кино — инсон қалбига эзгуликка ишонч уйғотади. Шу маънода, Иссиққўл соҳилидаги бу фестивал шунчаки халқаро кино танлови эмас, маданиятлар мулоқоти, маънавий яқинлик ва ижодий ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунаси сифатида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олди.

Мақсад — хотирани асраш, инсонни ўз ўмиши билан бўғлаш

Ҳар қандай сафарнинг ниҳояси бўлади. Аммо шундай манзиллар ҳам борки, у ердан кетсангиз-да, унинг руҳи узоқ вақт сиз билан бирга яшайди. Иссиққўл ана шундай маскан экан.

Фестиваль тугаган кун эрталаб қўл соҳили яна одатдагидек сокин эди. Мовий сувлар узра майин шабада эсар, Тяньшань чўққилари яна салобат билан осмонга боқарди. Бир неча кун аввал кино байрамига гувоҳ бўлган саҳналар энди ана сокинлик бағрига қайтгандек.

Делегациялар меҳмонхоналарда йўлга ҳозирлик кўрар, бир-бири билан хайрлашиб, келгусида яна учрашиш умидида телефон



рақамлари, электрон манзиллар ва эзгу тилаклар алмашарди.

Иссиққўл соҳилида бўлиб ўтган халқаро кинофестиваль Ўзбекистон миллий кинематографияси учун ҳам муҳим ижодий синов, ҳам катта эътироф майдони бўлди. Айниқса, “Тирик тарих” дастури доирасида яратилган фильмларнинг халқаро кино майдонида катта қизиқиш билан қарши олинаётгани мамлакатимизда кинематография соҳасидаги ислохотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Бу фестивал яна бир ҳақиқатни тасдиқлади. Тарихни сақлашнинг энг ишончли йўллари билан бир унинг санъат орқали келажак авлодга етказилиши. Кеча аждодларимиз тошларга петроглифлар битиб кетган бўлса, бутун киноижодкорлар тарихни кинотасмаларга муҳрламоқда. Мақсад битта — хотирани асраш, миллат руҳини яшатиш, инсонни ўз ўтмиши билан боғлаш. Иссиққўл соҳилида ўтган шу бир неча кунлик кино байрами ортида айнан ана шу улуғ ғоя мужассам эди.

Фестиваль ниҳоясига етди. Чироқлар ўчди. Саҳна бўшади. Меҳмонлар орта қайтди. Аммо ҳақиқий кино ҳеч қачон фестивал билан тугамайди. У томошабин қалбига яшашда давом этади. Ишонамизки, Иссиққўл соҳилида бошланган ижодий мулоқотлар, дўстлик ва ҳамкорлик ришталари ана кўплаб қўшма лойиҳаларга, янги фильм ва ғалабаларга замин яратади.

GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746. 29609 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусахҳх: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шайхисабз кўчаси, 85-й Ўза якуни — 02:40 Топширилди — 02:50
Қабулхона: (71) 233-56-33 Эълоилар бўлими: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuuz.uz Веб-сайт: www.yuuz.uz: (71) 233-47-05	Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60	“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.